O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH VAZIRI

Ж.А. Қўчқоровга, Б.А. Мусаевга

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошкуловга),
Давлат тест маркази (Каримовга),
тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар (рўйхат бўйича),
Иқтисодий тараққиёт вазирлиги (Норкуловга),
Молия вазирлиги (Ишметовга),
Адлия вазирлиги (Давлетовга),
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги ПФ–6309-сон Фармони ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлашингизни сўрайман.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошкуловга) – **чақирик,**
Давлат тест маркази (Каримовга)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 сентябрдаги ПФ–6309-сон Фармонидаги топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича келишилган Амалга ошириш графиги пухта ишлаб чиқилсин ва белгиланган тартибда тасдиқлашга киритилсин.

Муддат – 2021 йил 20 сентябрь

М.М. Вахобовга, Д.И. Холмуродовга,
Ш.А. Абидовга, Д.Н. Каландаровга – назорат

А. Арипов

2021 йил “10” сентябрь
№ 07/1-2313
16.09.2021 й.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI
Kel № 6/2463 2021 - y. “16” 09

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2021 yil « 9 » сентябрь №ПФ–6309

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Талаба ёшларни ўз устида мунтазам ишлаш ва илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишга ундаш, уларнинг истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, билимли ва иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) **Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси квотаси:**

таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун **икки баробарга оширилиб,** тегишлича **10 та** ва **22 та** этиб;

бакалавриат босқичи талабалари учун эса **ҳар бир олий таълим муассасасига 1 тадан** этиб белгилансин;

б) Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси **Тўлепберген Қаипбергенов** ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири **Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари жорий этилсин;**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. № 1-2313 “ 10 ” 09 2021 yil

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари давлат олий таълим муассасаларининг **қўшма таълим дастурлари** асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада фаолият юритувчи **хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичи талабалари учун ҳам татбиқ этилсин.**

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларининг дастлабки босқичи олий таълим муассасаси томонидан ўтказилади ва танловнинг навбатдаги босқичига тавсия этиладиган талабгорлар тегишли **олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида аниқланади**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ўтказилади;

қўшма таълим дастури асосида давлат олий таълим муассасасини, республикада фаолият юритувчи хорижий олий таълим ташкилотининг филиалини ёки нодавлат олий таълим ташкилотини тамомлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки номли **давлат стипендияси соҳиби бўлган талабалар ҳам давлат олий таълим муассасаси магистратурасига** бакалавриатнинг таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича **кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади**.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати ҳамда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ таълим соҳаларини инобатга олган ҳолда таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун **Ўзбекистон Республикаси Президенти** ҳамда бакалавриат босқичи талабалари учун **номли давлат стипендияларининг танлов йўналишлари рўйхатини** тасдиқласин;

ҳар йили бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари квоталари бўйича таклифларни олий таълим муассасалари кесимида **Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш** учун киритиб борсин;

тизимида олий таълим муассасаси мавжуд вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларининг дастлабки босқичи **олий таълим муассасалари томонидан шаффоф, адолатли ва юқори савияда ўтказилишини таъминласин**.

4. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тегишли вазирлик ва идораларга ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ–555-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошкулов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори М.М. Каримов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 9 сентябрдаги ПФ–6309-сон Фармонига
илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги "Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги ПФ–555-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётган ва бутун ўқиш даврида аъло баҳоларга ўқиган охирги ўқув йили талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси таъсис этилсин. Унинг сони магистратура мутахассисликлари бўйича жами 22 та, бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ҳар бир олий таълим муассасаси учун биттадан этиб белгилансин".

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Барча фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари "аъло" (кўпи билан 25 фоизи "яхши") бўлган ҳамда ижодий ишда қатнашадиган бакалавриат таълим йўналишида ўқиётган охирги икки курс (кейинги ўринларда – юқори курс) талабалари учун қуйидаги номли давлат стипендиялари таъсис этилсин: техника йўналишларида – Беруний, тиббиёт йўналишларида – Ибн Сино, гуманитар йўналишларда – Навоий, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида – Камолиддин Беҳзод, табиий йўналишларда – Улуғбек, кинематография йўналишида – Худойберган Девонов, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида – Имом ал-Бухорий, Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида – Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов, шунингдек, барча йўналишларда – Ислом Каримов номли.

Белгилансинки:

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Камолиддин Беҳзод ва Улуғбек номли давлат стипендиялари бакалавриат таълим йўналишлари бўйича юқори курсларнинг ҳар минг нафар талабасига биттадан;

Имом ал-Бухорий номли давлат стипендияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг уч нафар юқори курс талабасига;

Худойберган Девонов номли давлат стипендияси кинематография соҳаси учун кадрлар тайёрловчи ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Ислом Каримов номли давлат стипендияси ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига тайинланади”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2021 yil «_9_» сентября №УП–6309

О дальнейшей поддержке одаренной молодежи, обучающейся и занимающейся научно-исследовательской деятельностью в высших образовательных учреждениях республики

В целях мотивации студенческой молодежи к регулярной работе над собой и занятию научно-исследовательской деятельностью, раскрытия ее талантов и развития творческих способностей, дальнейшей поддержки образованной и талантливой молодежи, а также обеспечения исполнения задач, определенных в Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения»:

1. Начиная с 2021/2022 учебного года:

а) **установить квоту Государственной стипендии Президента Республики Узбекистан:**

для докторантов, обучающихся в базовой докторантуре, и студентов ступени магистратуры, **увеличив в два раза,** в количестве **10** и **22** соответственно;

для студентов бакалавриата – **по одной в каждом высшем образовательном учреждении**;

б) в целях стимулирования одаренных студентов, обучающихся в высших образовательных учреждениях в Республике Каракалпакстан, **учредить государственные стипендии** имени Героя Узбекистана, народного писателя Узбекистана и Каракалпакстана **Тулепбергена Каипбергенова** и имени Героя Узбекистана, народного поэта Узбекистана и Каракалпакстана **Ибройима Юсупова**;

в) **внедрить** Государственную стипендию Президента Республики Узбекистан и государственные именные стипендии также для студентов бакалавриата, обучающихся по **совместным образовательным программам** государственных высших образовательных учреждений, а также в функционирующих в республике **филиалах зарубежных высших образовательных организаций и негосударственных высших образовательных организациях**.

2. Установить, что:

предварительный этап конкурса на Государственную стипендию Президента Республики Узбекистан и государственные именные стипендии проводится высшим образовательным учреждением, претенденты, рекомендуемые на очередной этап конкурса, **определяются при участии профессоров-преподавателей и студентов соответствующего высшего образовательного учреждения**;

конкурсы на Государственную стипендию Президента Республики Узбекистан и государственные именные стипендии проводятся согласно утвержденному Кабинетом Министров порядку комиссиями, создаваемыми в Министерстве высшего и среднего специального образования;

студенты-лауреаты Государственной стипендии Президента Республики Узбекистан и государственных именных стипендий, окончившие государственное высшее образовательное учреждение на основе совместной образовательной программы, функционирующие в республике филиал зарубежной высшей образовательной организации или негосударственную высшую образовательную организацию, **также принимаются в магистратуру государственного высшего образовательного учреждения** по соответствующему направлению образования бакалавриата и смежной специальности **без вступительных экзаменов на основе дополнительного государственного гранта**.

3. Министерству высшего и среднего специального образования:

в месячный срок в соответствии с Перечнем специализаций научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации, а также Классификатором направлений и специальностей высшего образования утвердить с учетом образовательных сфер **перечень направлений конкурса на Государственную стипендию Президента Республики Узбекистан** для докторантов, обучающихся в базовой докторантуре, и студентов ступени магистратуры, а также **государственные именные стипендии** для студентов бакалавриата;

ежегодно вносить **в Кабинет Министров на утверждение** предложения по квотам на Государственную стипендию Президента Республики Узбекистан и государственные именные стипендии в разрезе высших образовательных учреждений;

совместно с министерствами и ведомствами, имеющими в своей системе высшее образовательное учреждение, обеспечить проведение предварительного этапа конкурсов на Государственную стипендию Президента Республики Узбекистан и государственные именные стипендии **высшими образовательными учреждениями на основе прозрачности, справедливости и на высоком уровне**.

4. Средства, необходимые для реализации определенных в настоящем Указе мер, финансируются в рамках средств, выделенных соответствующим министерствам и ведомствам из республиканского бюджета Республики Узбекистан на 2021 год в качестве распределителя бюджетных средств первого уровня, с 2022 года – предусматриваются в параметрах Государственного бюджета.

5. Внести изменения в Указ Президента Республики Узбекистан от 5 февраля 1993 года № УП–555 «О мерах поощрения учащейся молодежи Узбекистана» согласно приложению.

6. Министерству высшего и среднего специального образования совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего Указа.

7. Возложить на министра высшего и среднего специального образования Тошкулова А.Х. и директора Государственного центра тестирования при Кабинете Министров Каримова М.М. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего Указа.

Контроль за исполнением Указа, осуществление координации деятельности ответственных министерств и ведомств возложить на заместителя Премьер-министра Мусаева Б.А. и советника Президента Республики Узбекистан Абдувахитова А.А.

Президент
Республики Узбекистан **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

Приложение
к Указу Президента Республики Узбекистан
от 9 сентября 2021 года № УП–6309

Изменения, вносимые
в Указ Президента Республики Узбекистан от 5 февраля 1993 года
№ УП–555 «О мерах поощрения учащейся молодежи Узбекистана»

1. Пункт 1 изложить в следующей редакции:

«1. Учредить Государственную стипендию Президента Республики Узбекистан для студентов последнего года обучения — отличников всего периода учебы и успешно осуществляющих исследовательскую деятельность. Установить их общее количество по специальностям магистратуры – 22, по направлениям образования бакалавриата – по одному для каждого высшего образовательного учреждения».

2. Пункт 2 изложить в следующей редакции:

«2. Учредить следующие именные государственные стипендии для студентов последних двух курсов (далее – старших курсов) по направлению бакалавриата, у которых показатели успеваемости на уровне «отлично» (максимум 25 процентов на уровне «хорошо») по всем предметам и участвующих в творческой работе: имени Беруни – по техническим направлениям, имени Ибн Сино – по медицинским направлениям, имени Навои – по гуманитарным направлениям, имени Камолиддина Бехзода – по изобразительному и прикладному искусству и дизайну, имени Улугбека – по естественным направлениям, имени Худойбергана Девонова – по направлению кинематографии, имени Имама аль-Бухари – в Международной исламской академии Узбекистана, имени Тулепбергена Каипбергенова и имени Ибрайима Юсупова – в высших образовательных учреждениях в Республике Каракалпакстан, а также имени Ислама Каримова – по всем направлениям.

Установить, что:

государственные стипендии имени Беруни, Ибн Сино, Навои, Камолиддина Бехзода и Улугбека назначаются по одной на каждую тысячу студентов старших курсов по направлениям образования бакалавриата;

государственная стипендия имени Имама аль-Бухари назначается трем студентам старших курсов Международной исламской академии Узбекистана;

государственная стипендия имени Худойбергана Девонова назначается одному студенту старшего курса каждого высшего образовательного учреждения, готовящего кадры для сферы кинематографии;

государственные стипендии имени Тулепбергена Каипбергенова и имени Ибройима Юсупова назначаются соответственно одному студенту старшего курса каждого высшего образовательного учреждения в Республике Каракалпакстан;

государственная стипендия имени Ислама Каримова назначается одному студенту каждого высшего образовательного учреждения».